

Qishloq hayoti

O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 52 (7.201). Sotuvda erkin narxda

Маънавият ва маданиятга эътиборнинг амалий ифодаси

Президент Ислам Каримов 25 апрель куни пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Юртимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида аждо-ларимиз қолдирган бой маданий ме-росни тиклаш ва асраб-авайлашга ало-ҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк ало-ма ва азиз-авлиёларимиз мукддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободо-нлаштириш, уларнинг бой илмий-мада-ний меросини чуқур ўрганиш, айник-са, ёшларимиз онг-шуурига сингди-риш борасида улкан ишлар амалга оши-рилмоқда.

Ислом конференцияси ташкилоти-нинг Таълим, фан ва маданият масала-лари бўйича халқаро ислом ташкило-ти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳ-ри 2007 йилда ислом маданияти пой-тахти, деб эълон қилинди. Улкан тари-хий-маданий ва сиёсий аҳамиятга эга ушбу воқеа жаҳон ҳамжамияти ҳамда юртдошларимиз томонидан катта мам-нуният билан қўлиб олинди. Президент Ислам Каримов бу воқеага «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўйган бекиёс ҳиссасининг юксак эъти-рофи», деб таъриф берди.

Дўғриликда мукддас ислом дини ва фалсафасини, инсонпарварлик ғояла-рини кенг ёйишда йирик илмий-маъ-рифий марказ сифатида хизмат қила-ётган Ҳазрати Имом мажмуасини шу пайтгача, асосан, пасткам иморатлар қуриб турар, унга элладиган қўнарлар бугунги талабларга жавоб бермас эди.

Ҳазрати Имом (Ҳаслимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва мусулмон ола-мида катта обрў-эътибор қозongan та-барук маскан ҳисобланади. Мамлака-тимиз пойтахтида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қис-ми бўлган ана шу қўлуғ қадамжонинг

тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг ташаб-буси билан ўтган йилнинг ноябрь ойи-дан бу ерда кенг қўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланди. Бугун гўзал қиёфа касб эт-ган ушбу гўшани таниш қийин.

Ислом Каримов, даставвал, Ҳазрати Имом меъморий мажмуасининг асл та-рихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва обо-донлаштириш ишларини амалга оши-риш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш бора-сида қилинаётган ишларни қўздан ке-чирди.

Президентимизнинг шу йил 20 фев-раль куни қабул қилинган «Ҳазрати Имом (Ҳаслимом) жамоатчилик ҳам-масини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»-ги қарориди халқимиз маънавий ме-росининг узвий бир қисми бўлган ма-жкур меъморий мажмуанинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва обо-донлаштириш ишларини амалга оши-риш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш вази-фаси белгилан берилган.

Қарийб 9,5 гектар майдонни эгал-лаган Ҳазрати Имом меъморий маж-муаси олдидаг ўтадиган Қайковус ариги тубдан таъмирланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Дин ишлари бўйича қўмитанинг янги биноси замонавий қўриниши билан қўзни қўнатилади.

Ислом Каримов қадимий ва ноёб қўлёзмалар сақланаётган кутубхона

қўздан кечирди. Мамлакатимиз кутуб-хоначилиги тизимиди амалга ошири-лаётган ислохотлар, хусусан, кутубхо-на ишини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Бу ердаги нодир ва қадимий китобларга бепарво, озари қараш мум-кин эмас, - деди Президентимиз.

Юртбошимиз мажлислар зали ва иш хоналарини жиҳозлаш, илгор тех-никадан, бошқариш ускуналари ва ком-муникация тизимларидан самарали фойдаланиш масаласига эътиборни қаратди.

Мажмуага туташ ҳудудда «Истиқлол» маҳалла маркази биноси қад ростла-ган. Давлатимиз раҳбари шу ерда ма-ҳалла фаоллари билан мулоқотда бўлди.

Маънавий қадриятларсиз, асрлар давомида шаклланган имон-эътиқоди-дан маҳрум бўлган халқ ўсмайди, та-раққий этмайди. Юртдошларимиз уларини Ватанимизда, жумладан, мана шу масканда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг оддий қўзғувчилари эмас, балки ташаббускорли ва иш-тироқчилари сифатида ҳис этишлари мумим, - деди Юртбошимиз.

Бугун наинки Ҳазрати Имом меъ-морий мажмуи улкан қурилиш майдо-нига айланган, айна чоғда мажмуа тар-кибидagi Кафол Шойий мажмбаси, Барокхон ва Мўйи Муборак мадраса-лари, Тиллашах ва Намозгоҳ масжид-лари каби тарихий обидаларда ҳам иш қизиган.

Ҳазрати Имом мажмуидagi объек-тларни таъмирлаш ва бу ерда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш бўйича қўзда тутилган ишлар тасдиқланган жад-

вал асосида амалга оширилмоқда. Пре-зидентимиз бу ердаги ишлар билан та-нишиш асосида, ёдгорликлар пешто-қидagi нақшларнинг асл ҳолини тик-лаш, айникса, қадимий ёзувларни тик-лашда эҳтиёткорлик билан иш тутиш зарурлигини қайт эъти.

Ислом Каримов мажмуада сақлана-ётган Қўрғон қаримнинг энг қадимий нуҳаларидан бўлган Усмон Қўрғони-ни қўра экан, унинг юртимизга буюк бобокалонимиз Амир Темур томонидан олиб келинганлигига эътиборни қарат-ди.

Мажмуада Президентимизнинг та-шаббуси билан қўш гўмбазли, икки минорали муъаззам масжид қад рост-ламоқда. Ушбу бетакдор иншоот на-фақат пойтахтимиз, балки бутун юр-тимиздаги энг йирик масжид бўлади.

Президентимиз иншоотнинг қурили-ши, унда шарт-шароитлар яратиш юза-сидан тавсиялар берди.

Президентимиз Ҳазрати Имом жамо-атчилик ҳамжамасининг юртдошлари-миз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Ушбу жағмармага тўшаётган маблаг мана шу мажмуаи обод қилишга, янги масжид қурилишига сарфланмоқда.

Ҳа, миллий қадриятларимизни, анъ-ана ва удулларимизни тиклаш ва ри-вожлантириш, маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва ободонлашган бора-сида амалга оширилаётган кенг қўла-мий бунёдкорлик ишлари истиқлол берган имкониятларнинг ёрқин наму-наларидандир.

Фулмон МИРЗО,
Норали ОЧИЛОВ,
ЎЗА мухбирлари.



Андижон ГЭСида ишлаб чиқарилаётган электр энергиясидан ички эҳтиёжлар учун фойдаланилиши билан бирга, қўшни мамлакатта ҳам сотилмоқда. Айни пайтда бу ерда иккинчи линияни қуриш ишлари олиб борилапти. У ишга туширилгач, ГЭСнинг қуввати янада ошади.

СУРАТДА: корхона ходимлари Қ.Абдулғофуров, М.Абдуллаев, М.Нуриддинов ўзаро маслаҳатлашишмоқда. А.ТОШМАТОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Аввало, Ўзбекистоннинг юксак давлат муқофоти — «Жасо-рат» медали билан тақдирлашни шарафига муъассас бўлган-им учун Сизга самимий миннатдорлик ва эҳтиромимни из-ҳор этишга ижозат бергaysiz. Сизнинг ажойиб мамлакатин-гизни зиёрат қилиш мен ва «Universum-box promotion» клу-би делегацияси аъзолари учун катта шараф бўлди. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги барчамизда унутилмас таассурот қолдирди.

Мен, Мухаммад Али, Майк Тайсон, Теофило Стивенсон, Феликс Савон каби замонамизнинг машҳур чемпио-нлари билан яқин таниш бўлган ва умрининг 30 йилдан кўпрогини боксга бағишлаган мутахассис сифатида, Ўзбекистон янги бокс мамлакатига айланиб бораётганини доимо катта қизи-қиш билан қўзатиб келаман.

Тошкентта ташрифимиз асносида Ўзбекистонда спорт дав-лат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигига ғувоҳ бўлдим. Жаноби Олийлари, дунёда боксни ривожлантиришга шах-сан катта эътибор берадиган Сиздек давлат раҳбарлари кам.

Ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвони учун ке-чган жангда Руслан Чагаев ёрқин ғалабига эришганининг асо-сий сабабларидан бири унинг ўз Ватани - Ўзбекистонга бўлган бекиёс муҳаббати эканини чуқур ҳис қилдим. Машқ-лар ва мусобақалар жадвали ўта тигиз бўлишига қарамасдан, Руслан ҳар йили бир неча бор жонажон Андижонига бориб келишга фурсат топади.

Яқинда Сиз билан бўлиб ўтган учрашувимиз чоғида айтил-ганидек, «Universum-box promotion» клуби ва шахсан ўзим Ўзбекистонда профессионал спортни ривожлантириш ишла-рини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканимизни ана бир бор таъкидламоқчиман. Биз Ўзбекистон томонининг Тошкентда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев билан чемпион-ликка даъвогар номзодлардан бири ўртасида бокс мусоба-қасини ўтказишга оид жаҳоншумул лойиҳани «Universum-box promotion» билан биргаликда амалга ошириш борасидаги азми қарорини ҳам юксак қадрлаймиз. Бу ажойиб лойиҳа-нинг амалга оширилиши қўп жиҳатдан Ўзбекистон ҳукумати-нинг қўллаб-қувватлаши ва бекиёс қўмағига боғлиқдир.

Биз Ўзбекистонда боксни ривожлантириш йўлида самара-ли ҳамкорлик ўрнатилганидан беҳад мамнунмиз. Ҳозир Ру-сланнинг айни куч-қувватга тўлиб, руҳий-маънавий етуликка эришган пайти. Сиз билан бўлиб ўтган унутилмас учрашув эса янги марраларни забт этишда унга улкан ғайрат-шижоат бахш этади.

Ишончмн қомилки, Руслан Чагаев ҳали узоқ йиллар ўзи-нинг ажойиб ғалабалари билан бизни ҳушуд этади. Ўзе-бкис-тон ва клубимизнинг шон-шухратини янада юксалтириш-га хизмат қилади. Унинг номи эса жаҳон бокс тарихига олтин харфлар билан битилади.

Қамоли эҳтиром билан,

Клаус-Петер КОЛЬ,

«Universum-box promotion»

профессионал бокс клуби промоутери.

Жаҳон чемпиони билан учрашув

«Қамолот» ёшлар иж-тимой ҳаракати Маржа-з кенгашида профессиона-л бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амал-га оширилаётган кенг қўла-мий ислохотлар жараёнида ул-ғайиб келаётган авлодни ҳис-сонан етук ва баркамол этиб тарбиялаш, ёшларга жаҳон ан-дозалари даражасида билим бериш, истеъдодли йигит-қиз-ларни излаб топиш ва уларга ўз салоҳиятини намоян эти-шда яқиндан қўмақлаштириш қаратилган эътибор ўз са-марасини бераётгани алоҳи-да таъкидланди.

Мамлакатимиз ёшларини спортга оммавий равишда жалб этишнинг муқамал тизими яратилди. Ҳа боксдаги ўткази-лаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универси-ада» мусобақалари иштирок-чилари сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати то-монидан ҳам қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти. «Қамо-лот маликаси», «Шунқорлар» сингари мусобақалар шулар жумласидандир.

Мулоқот чоғида Р.Чагаев ўз ҳаётида ёрқин из қолдирган лаҳзалар, устоз-мураббийлари, спортнинг инсон қамолидига тутган ўрни, келгуси режала-ри ҳусусида сўзлаб берди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Ислохотлар самара бермоқда

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар соҳани янада ривож-лантириш, мавжуд куч ва имкониятлардан, айниқса, сув захираларидан унумли фойдала-ниш, мелиорация-иригация тармоқлари аҳоли-ни яхшилаш каби аниқ мақсадли йўналишларда амалга оширилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан бу борада бир қатор ҳўжатлар қабул қилинган бўлиб, улар ер ҳолатини яхшилаш учун хизмат қилмоқда. Шунингдек, бундай ишларда юртимиз-да фаолият юритаётган қатор халқаро ташкилотлар ҳам ўз лойиҳалари билан иштирок этмоқда.

Ана шундай ҳаракатлар сирасига жаҳон банкининг мо-лиявий маблағи эвазига «Жанубий Қорақолпоғистон дре-наж ва иригация тармоқларини тиклаш ҳамда сув ҳавза-ларини ташкил си»ни ҳам кири-ми қиймати 75 долларлик маз-ча ишлар 2004 йилда бошланган бўлиб, 2010 йил бошида якунланади. Унда Буюк Британиянинг «Мотт Мак Дональд», Туркиянинг «Темелсу» компаниялари мутахассислари фа-олият юритиб келмоқда.

Лойиҳанинг айнан Қорақалпоғистон Республикасига йўналтирилганлигининг ҳам сабаби бор, албатта. Чунки, айни пайтда бу ҳудудда Орол денгизининг қуриши нати-жасида ернинг шўрланishi даражаси ортиб, тупроқнинг унумдорлиги пайсаяни қузутилмоқда.

—Ушбу лойиҳа асосида учта қурилиш шартномаси ту-зилган, - дейди лойиҳани амалга ошириш гуруҳи техник директори ўринбосари Бегдўлла Давлатёров.

(Давоми 2-бетда)

Чимбой тумани фермерлари билан мулоқотда бўлсангиз, кейинги уч-тўрт йилда моддий-техника таъминоти, хизмат кўрсатиш соҳасида қатъий тартиб ўрнатил-ганлигини таъкидлашди.

Яхши йўлга қўйилган ин-фратузилма уларга катта

байнларини таъмирлаш бора-сида ҳам шундай натижаларга эришилапти. Буларнинг бар-часи фермерлар томонидан агротехника тадбирларининг ўз вақтида адо этилишида, «Магнум» билан 10,1 минг гектардан зиёд ерда ҳайдов ишларини сифатли бажариш-да алоҳида аҳамият касб этмоқ-да. Табиийки, муваффақиятлар иқтисодий кўрсаткичларда ҳам ўз ифодасини топаётди. Чу-нончи, 2006 йили соф фойда

тажрибасига, ишни пухта таш-кил этиб, масалаларни оди-лона ҳал қилишга, ҳалол, ин-софли бўлишига боғлиқ. Чим-бой МТП акциядорлик жами-яти раиси Марат Алламура-тов айнан шундай хислатлари билан қўнчил қўрмат-эъти-борини қозongan. У Тошкент иригация ва мелиорация ин-ститутини - аввалиги ТИИИМС-Хи муҳандис-механик мута-хассислиги бўйича туғатиб, ўттиз йилдан зиёд вақтдан

Нугоҳ
ри тобора кенгроқ намоён бўлмоқда.

Соғлом маънавий муҳит-ни қарор топтиришга инти-ладиган, ҳар бир ҳамқасби-нинг иссиқ-соғувидан хабар-дор бўлишни ўз бурчи, деб ҳисобловчи инсон етакчили-қиди янада меҳнат жамоала-рига ҳавасингиз келлади. Ха-

(Давоми 2-бетда)

Ўзингни қийнамасанг, ҳеч нарсага эришолмайсан

кулайлик яратаётганлигини хурсанд ҳолда билдиришди. Айниқса, машина-трактор пар-ки жамоаси ўз фаолияти би-лан қишлоқ мулкдорларининг эътирофига сазовор бўлмоқ-да. Кўрсаткичлар ҳам бундан далолат беради. Хусусан, МТП устaxonасида 2006 йили 45 ўрнига 81,1 миллион сўмлик ҳажмда иш бажарилганди. 2007 йилнинг биринчи чора-ғида эса бу кўрсаткич 11,2 ўрнига 21 миллион сўмни ташкил этди. Қўлътыватор, се-ялка, чизель, тиркамалар, хай-дов тракторлари, «Кейс» ком-

9 миллион сўмдан ошди. Ҳўш, бу ютуқлар замирида қандай омиллар мўжассам? Энг аввало, таъмирловчилар, механизаторларнинг ғайрат-шижоятини, муҳандис-техник ходимларнинг ўз зиммалари-даги бурчини бажаришга бўлган сидуқидил муносаба-тини тилга олиш зарур. Ҳар бир муваффақият ўша жамоанинг унумли меҳнати билан қўлга қиртилган. Шу билан бирга, халқимиз ўз қўшинга бир бо-чи, деб бежиз айтмаган. Яъни, ютуққа эришиш қўп жиҳатдан жамоа етакчилиги билан ва

бери эл-юрт ишига камарба-ста бўлиб келяпти. Ўз икти-сослиги бўйича ишлаб чиқа-ришининг турли поғоналари-да меҳнат қилиб, тажриба тўплаган М.Алламурастов сўз юритилаётган жамаиятда ўринбосар лавозимида иш-лаб, одамлар бошини қовуштири олиш салоҳияти борлигини кўрсатди. Шу боис у жамоа етакчилигига лойиқ қирлиди. Масъулият-ли вазифада бу ифосининг ташкилотчилик қобилияти, ҳар бир ишга ижодий ёнда-шиши ва бошқа фазилатла-

тирчи тумани машина-трак-тор парк жамоаси ана шун-дайлар сирасига қиради. Чу-нки мазкур акциядорлик жами-ятига саккиз йилдан бери жонқуяр ва билимдон мута-хассис - Илхом Раффовор раҳ-барлик қилапти. У туман фер-мерларининг пахтачилик, ғаллачилик ва бошқа соҳа-ларда шартнома топишири-ларини зиёдаси билан адо этишлари мулкдорларга ўз вақтида, сифатли техника хизмати кўрсатилишига боғ-лиқ эканлигини юракдан ҳис-этиди.

(Давоми 2-бетда)

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 апрель куни Оқсаройда Украина Бош вазири Виктор Януковични қабул қилди.

- Украина ҳукумати аъзола-ри ва йирик ишбилармонлар-дан иборат делегациянинг таш-рифи мамлакатингизнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик-дан манфаатдор эканлигидан яна бир далолатдир, - деди Ислам Каримов. - Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ўза-ро ишонч ва манфаатдорлик асосидаги муносабатлар икки томон учун ҳам самарали бўлмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ҳеч қандай муаммо, англашилмовчилик бўлмаган. Ўзаро ҳамкорлигимизга турли воқеалар даҳл қилмаслиги му-ҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорлиқни ри-вожлантиришда олий даража-даги учрашувларнинг мунта-замлик касб этгани муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти Ислам Каримов МДХнинг 2006 йил ноябрдаги Минск саммити до-ирасида Украина Президенти Виктор Ющенко билан, ўша йилнинг августиди Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг Сочи шаҳридаги норасмий саммити чоғида Бош вазир Виктор Янукович билан учра-шувларида алоқаларни янада ривожлантириш масалалари

юзасидан атрофлича фикр ал-машди. Хусусан, жорий йил-нинг февраль ойида Киевда Савдо-иқтисодий ва илмий-тех-никавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Украина қўша ко-миссиясининг еттинчи мажли-си бўлиб ўтди.

Мамлакатларимиз ўртасида-ги савдо-иқтисодий алоқалар Ўзбекистон билан Украина ўртасида 1999-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳам-корлик дастури асосида ривож-ланмоқда. Ўзаро товар айир-бошлаш ҳажмининг кўрсаткич-лари 2006 йилда ҳамкорлик қўла-ми ва суръати жадал ю-салаётганидан далолат беради. Бу борадаги кўрсаткич 2005 йилда 330,8 миллион АҚШ дол-ларини ташкил этган бўлса, 2006 йилда 615,3 миллион дол-ларга етди.

Мамлакатимизда қирққа яқин Ўзбекистон-Украина қўша корхонаси, Украинадаги 12 фирма ва компаниянинг ва-колатхонаси очилган. Украина-да Ўзбекистон сармоясини ишти-рокида тузилган 26 қўша кор-хона фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар соҳадаги ҳамкор-лик ҳам фаол ривожланибди. Ўзбекистон Фанлар академия-си билан Украинанинг қатор

илмий муассасалари, жумладан, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия ил-мий-текшириш институтини би-лан Украинанинг бир неча тиб-бий муассасаси ўртасида яқин алоқалар ўрнатилган.

Киевда «Дўстлик» маданий-иқтисодий жамияти, «Ўзбекис-тон» ўзбек маданияти жамия-ти фаолият кўрсатмоқда. Тош-кентда эса «Славутин», «Батьки-вщина» украин маданияти мар-казлари иш юритмоқда.

2002 йили Тошкентда очил-ган атоқли украин адиби Та-рас Шевченконинг ҳайкали ҳам ўзбек ва украин халқлари дўстлигининг ёрқин намунаси-дир.

В.Янукович Украина Ўзе-бкис-тон билан ҳамкорлиқни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъ-кидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдор-лик билдирди.

Сўқбат чоғида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқалари-ни янада мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларни икки томон-нинг салоҳият ва имкониятлари даражасига қўтариш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида

Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланимоқда. Украина Бош вазири Виктор Януковичнинг мамлакатимизга таш-рифи бу ҳамкорлиқни қўллаб йўналиш-лар бўйича янада кенгайтириш им-конини беради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг Украина Бош вазири Вик-тор Янукович билан музокаралари бўлиб ўтди.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ук-раинага ва Украина Президентининг мамлака-тимизга расмий ташрифлари чоғида асо-соллинган. Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги икки ҳўжжатида - 1998 йил фев-ральдаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик-ни янада қўқуллаштириш тўғрисидаги шарт-нома ҳамда 1999 йил 7 октябрда имзоланган 1999-2008 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномада ўзаро манфаатли му-носабатларнинг узоқ муддатли стратегияси белгиланган. Мамлакатларимиз ўртасида дипло-матик муносабатлар ўрнатилгандан бери ўтган 15 йил мобайнида 150 га яқин ҳўжжат имзоланди. Бугун ҳар томонлама манфаатли Ўзбекистон-Украина алоқалари савдо-иқтисо-дий, маданий, илмий, таълим, туризм соҳала-рида ривожланимоқда. Уларни қўқуллаштириш истиқболлари яқинда Киевда ўтказилган Ўзе-бкис-тон-Украина Ҳўкуматлараро комиссиясининг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилинди.

Тошкентдаги ҳўкуматлараро музокараларда таъкидланганидек, мамлакатларимиз ўртасида-ги ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини ке-нгайтириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Эр-кин савдо режимида амалга оширилаётган то-вар айланмаси мунтазам ортиб бормоқда. Жум-ладан, 2006 йил якунларига қўра, у 615,3 мил-лион АҚШ долларини ташкил этди, бу эса 2005 йилдагидан 86 фоиз кўп, жорий йилнинг икки ойи давомида эса 80 миллиондан ошди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзимизда ишлаб чиқари-лган маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини таъ-минлашга қаратилган миллий иқтисодиётимиз-нинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон хориқга катта ҳажм-да қайта ишланган тайёр маҳсулот, турли юкори технологик товарлар ва механизмларни етказ-иб бормоқда. Жумладан, Украинага нафақат энергия манбалари ва пахта толаси, ёғ уруғла-ри ва мевалар, бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсу-лотлари, балки рангли металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, тўқимачилик маҳсу-лотлари



Ўз жонига қасд қилди

Польшанинг собиқ қурилиш вазири Барбара Блида ўз жонига қасд қилди.



Мамлакат хавфсизлик хизмати ходимлари собиқ вазирининг уйини тинтув қилишга келган вақтда у кўкрагига ўқ узиб, ҳалок бўлган. Барбара Блида коррумпция ва пора олишда қўлга олинган бўлиши айтилган. Ҳукумат вакиллари унинг сузларига кўра, Барбарага расмий айблов эълон қилинмаган бўлса-да, нима сабабдан ўз жонига қасд этгани номаълум.

Блида 1993 йилдан 1996 йилга қадар мамлакат қурилиш вазириликни бошқариб келган. Истеъфога чиққач, йирик қурилиш компаниясига асос солган.

Қурбонлар хотираси

Украинада ўтган асрнинг энг йирик ҳалокати қурбонлари хотирланди.

26 апрель куни эрта тонгда қўчаларда минглаб одамлар қўлларидан шам тутган ҳолда Чернобыль атом электростанцияси ҳалокати қурбонларини ёд эттиди. 1986 йил 26 апрель куни Чернобыль АЭСнинг энергоблокида қўлга портлаш юз бериши станция реакторининг ёрилишига сабаб бўлди. Оқибатда, минглаб тонна радиоактив моддалар атмосферага оқиб чиқди. Европанинг 17 давлати осмонини захарли булут эгаллади. Бу ҳалокат оқибатида қўлаб одамлар ҳалок бўлди ва ногиронга айланди. Мутахассислар фикрича, атмосферага тарқалиб кетган Чернобыль АЭСи радиоактив моддалари 700 йилдан сўнг зарарсиз ҳолга келар экан.

Аборт қонунийлаштирилди

Мексикада аборт қилдириш қонунийлаштирилди. Янги қонун лойиҳасини парламентнинг 49 нафар депутати қўллаган, 19 нафари қарши чиққан. Мамлакат раҳбари Фелипе Калдерон ҳам абортнинг қонунийлаштирилишини ёқмаган.

Парламент қарори айрим ҳудудларда оммавий норозилик кайфиятини уйғотган.

Шу вақтга қадар Мексикада табибий зарурат туйғайлигига абортга рўхсат берилган. Айрим маъмулотларга кўра, Мексика пойтахти Мехикода ҳар йили юз мингдан зиёд аёллар яширин равишда катта пул эвазига аборт қилдириб келишган.

Қўпоровчилик тафсилотлари

Шу йилнинг 27 февралда Афғонистондаги Америка ҳарбий-ҳаво базасида амалга оширилган қўпоровчилик "Ал-Қоида" томонидан уюштирилган.

Бу ҳақда "Ал-Жазира" телеканали орқали додбулларнинг вакили Мулла Додулло маълум қилган. Унинг сузларига кўра, бу қўпоровчилик террорчилик ташкилотли раҳбари Усама бин Ладин томонидан шахсан режалаштирилган ва асосий мўлжал АКШ вице-президенти Дик Чейнига қаратилган бўлган.

27 февраль куни Афғонистоннинг Баграм шаҳридаги АКШ базасига Дик Чейни таширф бўлган эди. Унинг ташири чоғида террорчи-камикадзе томонидан портлаш содир этилган ва 23 нафар ҳарбий ҳаётдан кўз юмганди. Дик Чейни бу қўпоровчиликдан таъриб кўрмаганди.

Ҳарбийлар уйига қайтадимиз?

АКШ Конгрессининг кўйи палатаси Ироқдан Америка қўшинини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги янги қонун лойиҳасини тасдиқлади.

Асосий урилари демократлар эгаллаган Конгресснинг юқори палатаси ҳам ушбу қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаш қутлимоқда. Бу лойиҳа май ойи бошларида президент Жорж Бушга тақдим этилади. Агар мамлакат раҳбари бу ҳужжатни имзоласа, Ироқдаги АКШ ҳарбийлари 2008 йилнинг 1 апрелига қадар олиб чиқиб кетилиди.

Айрим тахминларга кўра, президент бу қонун лойиҳасини тасдиқлашга мажбур бўлади. Сабаби, Жорж Буш ҳаётини Америка қўшини Ироқда вазирият яхшиланмагунча қолиши лозим, деган фикрда.

Ҳайкал ва қабр кўчирилади

Эстония ҳукумати Таллиндаги ҳарбий қабристон ва совет қўшинлари шарофати ўрнатилган ҳайкални кўчиришга қарор қилди.

Бош вазири Андрус Ансипнинг сузларига кўра, бу ишлар 9 майдан сўнг амалга оширилади. Эстония пойтахтининг фашист қўшинларида озод этишда ҳалок бўлган совет қўшинлари дафн этилган қабри марказий хиббондан кўчириш режаси янги ҳукумат сайлангандан сўнг пайдо бўлган. Бу режанинг амалга ошиши мамлакатдаги русийзабон аҳоли ўртасида оммавий норозиликни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабдан пойтахтда хавфсизлик чораларига эътибор қўйилган.

Ольмертни яна айблашмоқда

Исроил давлат назоратчиси бош вазири Эхуд Ольмертга нисбатан жиноий иш очилиши талаб этмоқда.

Давлат назоратчиси Миха Линденштраус суз вазири коррупцияда айболомқда. Унинг таъкидлашича, Эхуд Ольмерт 2001 йилда савдо ва саноат вазириликни бошқарган вақтда ўз ақинларига давлат субсидияларини ноқонуний равишда бўлиб берган. Бундан аввал ҳам Исроил бош вазири шундай жиноятларда гумон қилинган, бироқ далиллар етарли бўлмагани боис унга нисбатан жиноий иш очилмаган эди.

INTERNET хабарлари асосида Шермат САНАЕВ тайёрлади.

(Боши 1-бетда)

Жамоадаги 150 нафарга яқин ишчи-хизматчининг рўзғори тўқин бўлиши учун қўрилаган соф фойда микдори кўпайтириб боришга интилади. 2006 йили ана шу кўрсаткич 81,3 миллион сўмни ташкил этганиги таъкидловчилар, механизматорлар ва уларга етакчилик қилаётган И.Гафоров саноат-хизматчиларнинг мевасидир. Талаб-эҳтиёжнинг доимий равишда ўрганиб бориши боис, у ҳозирги пайтда сервис хизмати кўрсатиладиган шохобчалар ташкил этиш чораларини кўраётти. Бундан ташқари, фермерлар тасарруфидоги ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилашга кўмаклашиш ниятида иккита замонавий экскаваторга буюртма берилди.

Шу йўналишдаги хизматларнинг йўлга қўйилиши деҳқонларга янги имкониятлар эшигини очди, меҳнат жамоаси учун эса даромаднинг кўпайтиришга хизмат қилади. Наманган вилоятида ўз соҳасининг фидойилари ҳақида гап борганида, "Исконто-Чортоқ" ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Юсуфжон Қаримов номи фахр билан тилга олинади. Чунки у 240 нафар ишчи-хизматчи фаолият юритаётган жамоага оқилона етакчилик қилиш билан бирга, билим ва иқтисодини сув муаммолари ечимига йўналтирмоқда. Ўтган йили бу ҳудудда сув таъминоти 40 фоизга ҳам етмаган бир шартда барча деҳқонлик эҳтиёжларини охиёғатдан тежаб-тергаб фойдаланган. Айниқса, 1500 нафар фермер учун минерал ўғит таъминоти қишлоқ мулкдорларининг қўлгидагидек ташкил этилаётти. Фермерлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ, ҳозирга қадар 2145 тонна азотли, 554 тонна фосфорли, 85 тонна калийли ўғитлар галла ҳосили учун етказиб берилди. Пахта ҳосили учун ҳам етарли микдорда ер дармондорисини таъминлаш юзасидан зарур ҳужжатлар расмийлаштирилган. Ана шу юмшувларнинг барчаси ташкилотчиликни, ҳалолу покликни, назоратни қатъий йўлга қўйиши талаб қилади. "Қишлоқхўжалиқимиз" акция-

натига берилган муносиб баҳо бўлади.

Худди шундай эътирофга "Ғаллабанк" Андижон филиали жамоаси ва унинг етакчиси Хасанжон Раҳмонов ҳам муносиб. Чунки, ушбу молия муассасаси мижозлари бўлган фермерлар республика ҳукумати ва бошқа мутасадди идораларнинг мадади туйғайли қисқа муддат – 2007 йилнинг ўтган даврида банкдан ажратилган 2,1 миллиард сўмликдан зиёд кредит ҳисобига ўнлаб замонавий ва серуном техника воситаларини сотиб олишди. Олтинқул туманидаги "Кўктерек" фермер ҳўжалиғи раҳбари Маҳмаджон Абдуваев, марҳум матилқул мулкдор Иброҳим Дадахонов, кўргонтепалик фермер Баҳодир Жалолов ва бош-

дорлик жамияти Қасби тумани филиали етакчиси Абдураҳмон Абдураҳмонов бошчилигидаги мутахассислар белгиланган тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этилишини таъминлашмоқда. Шу боис, фермерларнинг кўнгли тўқ, таъминотчиларнинг юзи ёруғ.

Эл-юрт манфаати йўлида жон қўйдиранган, иқтисодиётимиз янада раванқ топиши учун астойдил жонбозлик кўрсатаётган замонадошларимиз, уларга етакчилик қилаётган фидойи инсонлар ҳақида ҳар қанча ёзсак, алқасак шунча оз. Уларнинг ибратли ишлари мактовга, қимматли тажрибалари омма-лаштиришга, қўлаётган янгиликларни тарғиб қилишга муносибдир. Шу билан бир-

га, зиммасидаги вазифага масъулият билан ёндашмайдиган, топшириқларнинг бажарилишига ўзибўларчилик кайфияти билан қаровчи, жамоа аъзоларининг талаб-эҳтиёжларига юзаси муносабатда бўлувчи раҳбар ҳодимлар ҳам учрайди. Масалан, Нурали Худойкулов зиммасига Навбаҳор тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиғи бўлимига бошчилик қилишдек вазифа юклатилган. Лекин у фермерлар ва хом ашёни қайта ишловчи корхоналар ўртасида шартномалар қўнуний асосларда тузилиши масаласида эътиборсизликка йўл қўйди. Бундан ташқари, ерлар микдори ва балл-бонитети-га аниқлик киритиш масаласида шўх ташхил қилинишини таъминламади. Бу ва бошқа камчиликлар сабабли туман қишлоқ ҳўжалиғида оқсоқлик кўзга ташланди. Шу боис, Н.Худойкулов лавозимига но-лоийқ деб топилди. Қўнғирот

Давлатимиз раҳбари 2006 йил якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида меҳнат жамоаларида маънавий соғлом муҳитни қарор топтириш ҳамда шартнома шартларининг бажарилиши учун раҳбар ҳодимларнинг масъулиятини янада кучайтириш масалаларига алоҳида тўхталди. Президентимиз таъкидлаганидек, эл-юрт ишончини оқлаш улар учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Суннат САЙДАЛИЕВ

Ислохотлар самара бермоқда

(Боши 1-бетда)

– Биринчи шартнома қарийб 600 километрлик узунликка эга Жанурий Қорақалпоқ магистраль дренаж коллектори билан боғлиқдир. Бу ерда 2006 йилнинг январь ойидан Хитойнинг "Синкохайдаро корпорация" компанияси қазичи, тозалаш ишларини олиб бормоқда. Иккинчи қўрилиш шартномаси ҳўжалиқларга ирригация-дренаж тармоқларини янгилаш бўйича тузилган. Бу борадаги ишларни "Тупангазсувгазқурилиш" компанияси ўз зиммасига олган. Учинчи қўрилиш шартномаси ички ҳўжалиқ ирригация-дренаж тармоқларини янгилаш, деб номланиб, ҳозирги кунда бунинг ўн тендер эълон қилинган. Умуман олганда, бу ишларнинг ниҳоясига етказилиши Беруний, Тўртқўл, Элиқалъа туманларининг 100 минг гектар ерларини мелiorация жихатдан яхшилайди. Уч мингга яқин фермер ҳўжалиқларининг фаолиятида самарадорликни оширади. Дароқе, фермерлар хусусида гап кетганда, шуни ҳам таъкидлаш керакки, "Мотт

Мак Дональд" ҳамда "Темелсу" компанияларининг инженер-консультантлари ҳар йили фермерлар ўқувини ҳам ташкил этиб келмоқда. Бундай ўқув жараёни бевосита далагини ўзида уюштирилади. – Бундан ташқари туманларда махсус кўргазмалар майдонларимиз ҳам бор, – дейди "Мотт Мак Дональд" компанияси фермерлар мактабининг маслаҳатчиси Убайдулла Саидов. – Ҳозирги кунда Беруний ва Тўртқўл туманларида 7 тадан кўргазмалар майдонларга эгамиз. Бу майдонларимиз бевосита фермерларнинг ерларида ташкил қилинган бўлиб, унинг афзал жиҳатлари кўп. Биринчи афзаллиги, албатта, ернинг умумдорлиғи ортиб, ҳосилдорлик кўпайганлигидан намоян бўлади. Мисол учун "У.Жуманиязов-27" фермер ҳўжалиғини олайлик. Фермер ҳўжалиғи ўтган йили ғалладан 25-30 центнер атрофида ҳосил олган бўлса, бу йил 45-50 центнер ҳосилини мўлжаллаб турибди. Хўш, бундай натижаларга қандай эришилди? Дала-тадриба майдонларида барча

агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилишига эътибор қаратилган. Тупроқ талаб қилган азотли, фосфорли, калийли ўғитларнинг мувозанати сақланади. Сув сатҳини ўлчовчи "Пьезометр" ўрнатилган бўлиб, у ҳар ўн кунда мониторингдан ўтказилади. Ойига бир марта шўрланш даражаси аниқланади. Хуллас, бу борада мавжуд қатъий тартибга амал қилинади.

Хулоса ўрнида айтганда, лойиҳа доирасида амалга оширилган ишларнинг бари ҳаётимиз манбаи – сувни тежаб-тергаб, умумий фойдаланишни йўлга қўйишга қаратилган бўлиб, бу борада бирмунча илҳомий натижаларга эришилмоқда. Зеро, бугунги кунда ернинг мелiorация ҳолатини яхшилаш, сувни самарали сарф қилиш, минерал ва маҳаллий ўғитларни мезберида ишлатиш механизмларининг тақомиллаштириб борилиши истиқболда яхши натижаларга эришиш гаровидир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Фермер ён дафтари

Савол: Мамлакатимизда ерлардан фойдаланиш ҳамда уларнинг мухофазаси тартибни қандай белгиланган?

С.Кўзибоева, фермер. Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 1-моддасида ер умумийлиги бўлиб, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси вифатида ундан оқилона фойдаланишимиз зарур ва давлат томонидан мухофазаси қилинади, деб белгиланган. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини қўллаб-қувватлаш, илмий асосланган тараққиётни қўллаб-қувватлаш, умумдорлигини таъминлаш, оқилона фойдаланишнинг муҳофазаси, таъмир-таърир ишларини олиб қўйиш, шу жумладан, ерларни ижарага бериш шартномаларини муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги, шунингдек, ерлардан фойдаланишни чеклаш ва тўхтатиб қўйишга доир ишлар қонунга мувофиқ тегишли органлар ваколатига қиради.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофазаси қилиш борасидаги фаолияти бир йилда кўпи билан бир марта текширилиши мумкин. Агар ерлардан оқилона фойдаланмаслик ва уларни муҳофазаси қилмаслик сабабларини бар-тароф этиш юзасидан кўрсатмалар берилган бўлса, у белгиланган муддатда мазкур тадбирларни текширишга ҳақлидир.

Саволга жавобни ҳуқуқшунос А.ШЕРҒОЗИЕВ тайёрлади.

Бундай мамлакатимизда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи ЮНЕСКО халқаро таъкилотли иштирокида кенг нишонланади. Айни пайтда ўзгача улкан тадбирга қизиб қолган қишлоқ қишлоқда. Тароватли шаҳар кун сайин кўркамлашиб, янгилаб чирой очиб бераётти. Эътиборли жиҳати, Марғилонда улкан байрам доирасидаги маданий тадбирлар аллақачон бошлаб юборилган.



Тўйга тўёна билан

Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган "Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига "Ўзбекино" Миллий агентлиги зиммасига Марғилон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини очиб берувчи ҳужжатли фильм яратиш вазифаси юклатилган эди. Шу



мақсадда Ўзбекистон илмий-оммабон ва ҳўжатли фильмлар киностудиясида "Водий жаҳончир" ҳўжатли фильми сурабга олинди. Унда Марғилон шаҳрининг қадимий ўтмиши, гўзал табиати, дунёга довуқ таратган ўзига хос ҳўнармандчилик санъати, бағрикенг одамлар ҳақида ҳўжя қилинади.

Яқинда сўлим Фаргона водийси бўйлаб Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиғига бағишланган "Ўзбек миллий кино санъати кўнакли" бўлиб ўтди.

Бир гуруҳ таниқли киноижодкорлар Марғилон, Қўқон ва Фаргона шаҳарларидаги ўқув-таълим муассасаларида, меҳрибонлик уйлари, корхоналарда ўқувчи ва талаба ёшлар, ишчилар, хотин-қизлар кўмиталари ва маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан учрашди. Ўзбекистон Қарамоғи, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Мухаммаджонов, таниқли санъаткорлардан Л.Саъдуллаев, У.Алиқўжаев, М.Юсупов, Г.Саъдуллаева, Д.Эгамбердиева, шунингдек, бир қатор ёш киноижодкорлар билан қизқарган мулоқотлар бўлди. Миллий агентлиги бюртмаласи биноан кейинги йилларда яратилган бадиий, ҳўжатли фильмлар намойиши кўпчилигиде катта таассурот уйғотди.

Фаргона водийсида ун қун давом этган "Ўзбек миллий кино санъати кўнакли" ҳаяжонли лавзаларга бўлиб бўлди. Вилотат ҳўжмиллиги ва "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир ақлдангандан бўлса-да, кино санъати байрами вилотат кинотеатрларида давом этмоқда.

Нилуфар КОДИРОВА, Гулчехра АБДУЛЛАЕВА.

СУРАТДА: Фаргона вилотатида бўлиб ўтган "Ўзбек миллий кино санъати кўнакли"дан лавҳа.



Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида ҳўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор муҳим аҳамият касб этади. Мулкчиликнинг турли шаклида фаолият юритаётган мазкур субъектлар эришаётган юқори кўрсаткичларда, хусусан, тадбиркор ва фермерларимиз қўлга киритаётган улкан ютуқларда молия-кредит муассасалари, айниқса, тижорат банкларининг хизмати бекиёсдир. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда тижорат банклари шунчаки молиявий муассаса эмас, балки, мижозларининг ақин ҳамкориға айланиб бормоқда.

олинади. Амалга оширилган тадбирлар натижасида ўтган йилнинг охирига келиб, банкнинг соф активлари миқдори 85,9 млрд. сўмни, шу жумладан, умумий кредит қўйилмалари ҳажми эса 64,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Банк кредит қўйилмаларининг қарийб 98 фоизи ёки 63,6 млрд. сўми саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва қайта-ишлаш сингари реал соҳаларга йўналтирилган.

Хисобот йили давомида банк томонидан қўшимча маблағга эҳтиёжи бўлган 19377 нафар мижозга 91,4 млрд. сўмдан зиёд кредит ажратилди.

Банк активларини жойлаштириш борасида муҳим стратегик йўналишлардан бири айнан корпоратив мижозларидан саналган "Ўздонмаҳсулот" АК тизимидаги дон маҳсулотлари корхоналарининг ишлаб чиқариш технологияларини янгиллаш, уларни модернизациялаш ва қайта ҳишлозлаш, маҳсулотларни қадқоқлаш ҳамда уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ мақсадлар учун қўшимча инвестицияларга бўлган эҳтиёжларни самарали қондириб боришдан иборатдир.

Хусусан, ўтган йили Навоий вилоятидаги "Қизилтепа ун заводи" акциядорлик жамияти, Жиззах вилоятидаги "Дўстлик-дон-ўйнади. Амалга оширилган тадбирлар натижасида ўтган йилнинг охирига келиб, банкнинг соф активлари миқдори 85,9 млрд. сўмни, шу жумладан, умумий кредит қўйилмалари ҳажми эса 64,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Банк кредит қўйилмаларининг қарийб 98 фоизи ёки 63,6 млрд. сўми саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва қайта-ишлаш сингари реал соҳаларга йўналтирилган.

Тадбиркор таянчи

Бозор иқтисодиёти шароитида банк тадбиркорларнинг энг асосий ҳамкорларидан саналади. Мамлакатимизда мулкдорлик синфи шаклланиб, ривожлана бормасайин бу ҳақиқат тобора ойдинлашмоқда.

"Галлабанк" мижозларининг асосий қисmini ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этади. Биргина хисобот йилида банк хизматидан баҳраманд бўлаётган тадбиркорлар сони 2520 тага ортди ёки 11,7 фоиз ўсди. Уларнинг молиявий маблағга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида хисобот йилида банк томонидан мавжуд манбаларнинг ишлаб чиқариш технологияларини янгиллаш, уларни модернизациялаш ва қайта ҳишлозлаш, маҳсулотларни қадқоқлаш ҳамда уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ мақсадлар учун қўшимча инвестицияларга бўлган эҳтиёжларни самарали қондириб боришдан иборатдир.


Халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида қабул қилинаётган ҳукумат дастурларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг молиявий қўллаб-қувватлаш учун кредитлар ажратиш масалалари ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Зеро, бугунги кунда аҳолининг бандлик даражасини ошириш, янги иш ўринлари яратишда тадбиркорларнинг ҳиссаси катта бўлаётди.

Ўзбекистон Республикаси

чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хисобот даврида банк томонидан 1583 та тадбиркор аёлга турли лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 1790,2 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Жумладан, Бухоро вилоятидаги "Қамолот" фермер ҳўжалигига қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш мақсадида 30 млн. сўмлик кредит ажратилган бўлиб, бугунги кунда ушбу маблағ эвазига 25 та иш ўринлари, гўшт дўконлари, машиналарга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ва ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилган. Шунингдек, Навоий вилоятидаги "Мохинур Мебель" хусусий корхонасига мебель ҳишлозлари, яъни стол, стул, кийим шкафи, мактаб парталари ҳамда вилоятда қурилаётган коллежларга мебель ҳишлозлари ва бошқа турдаги турли мебеллар ишлаб чиқариш мақсадларига 100 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди ва натижада 15 та иш ўринлари яратилди.

Мижозлар ишончи - муҳим масала

Ишонч бор жойда барака, фаровонлик бўлади, деб бежиз айтишмаган. Шуни ҳисобга олган



сони 68907 тага етди. Савдо шохобчаларига ўрнатилган банк терминналари сони 600 тани ташкил этгани ҳолда, 2006 йилда пластик карточка эгалари томонидан 5,8 млрд. сўмликдан зиёд банк операциялари амалга оширилди. Бу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 3 баробар кўп, демакдир,

Қишлоқ ҳўжалигининг молиявий ҳамкори

Қишлоқ ҳўжалигини янада такомиллаштириш, фермерлар учун етарлича шарт-шароитлар яратиш, қишлоққа саноатни

нинг моддий-техник базасини шакллантиришга муҳим эътибор қаратилляпти. Мазкур йўналишда банк филиаллари томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш ҳамда муттасил ортиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзига банк филиаллари орқали қишлоқ ҳўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун ажратилган кредит маблағлари миқдори 5,6 млрд. сўмдан ошди. Бундан ташқари, банк томонидан йирик лойиҳавий қийматга эга лизинг операцияларининг бажарилиши натижасида банк кредит портфели таркибидagi аграр соҳага йўналтирилган умумий маблағлар миқдори кескин ўсди. Банк томонидан Германиянинг "Класс КГаА" коммандит жамияти билан тузилган шартномага асосан умумий қиймати 4,3 млрд. сўмлик 40 дон "Доминатор-130" русумли комбайнлар келтирилиб, қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва фермер ҳўжаликларига лизинг асосида берилди.

Шунингдек, банк олисдаги мижозларига хизмат кўрсатишни янада енгиллаштириш учун қишлоқ ҳўжалигига банд бўлган аҳоли, хусусан, фермерларнинг оғирини енгил, мушкулчини осон қилиш, уларнинг вақтини тежаш мақсадида ташкил этилаётган минибанклар тармоғини янада кенгайтириб бормоқда. Бу деҳқон ва фермерлар молиявий масалаларини вилоят ёки туман марказларига эмас, балки ўзлари яшаётган ҳудудда ҳал этиш имконини бераётди.

Банк томонидан ташкил этилган ана шундай минибанклар сони йил охирига бориб, 78 тага етди. Таъкидлаш жоизки, "Галлабанк" ташаббуси билан ташкил этилган минибанклар ҳозирда 47 тани ташкил этиб, улар орқали 12400 тадан ортиқ мижоз, шундан 3841 нафар фермерга сифатли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Шу билан бирга, ташкил этилган барча минибанклар орқали аҳолининг коммунал тўловлари ва омонатларини қабул қилиш ҳам йўлга қўйилди.

Халқаро алоқалар кенгайишда

Ҳар бир ташкилот, корхона ёхуд муассасанинг барқарор ривожланишида халқаро миқёсдаги алоқаларнинг муҳим ўрин тутгани табиий. "Галлабанк" ҳам бугунги кунга келиб халқаро ҳисоб-китобларнинг барча турларини амалга ошириб келяпти.

2006 йил охирида, банкнинг ташқи фаолият билан шуғулланувчи мижозлари сони ортиб бормоқда, уларга қўрсатилган экспорт-импорт операциялари ҳажми 53,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Банкнинг хорижий валюталарга активлари ўтган йилда 1,25 баробар кўпайди.

Германиянинг "Commerzbank", Россиянинг "Промсвязбанк", "Азия Инвест банк" каби дунёнинг етакчи банкларида очилган вакиллик ҳисобварақлари жаҳоннинг қўллаб қувватлари билан ҳисоб-китоб қилиш имконини бермоқда.

Банк томонидан амалиётга жорий этилган яна бир хизмат тури - халқаро пул ўтказмаларини "Money Gram" тизими орқали мижозларга етказиш тармоғи хисобот йилида янада кенгайтирилди. Бу эса ушбу тизим орқали амалга оширилаётган амалиётлар ҳажмининг орттишига олиб келди. Биргина ўтган йилнинг ўзига вилоятларда ана шундай шохобчаларнинг бештаси иш бошлади. Улар орқали амалга оширилган ўтказмалар миқдори қарийб 4,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, молиявий муассасалардан бири бўлган "Галлабанк" нафақат республика миқёсда етакчи мижозлиги билан агро-саноат тармоқига, балки мамлакат иқтисодиётининг барча йўналишларида фаолият юритувчи мижозларга сифатли ва жаҳон андозлари даражасида хизмат кўрсатиш салоҳиятига эга ҳамда барқарор ривожланиш йўлидан бораётган банклардан биридир.

Ханифа ШАМШИЕВА, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

"ГАЛЛАБАНК":



Яқунлар ва режалар



Замон талаблари асосида

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнаомлигида банклар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг иқтисодиётимиз ривожидagi фаол иштирокини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган бир қатор меъёрий ҳужжатларда ҳам банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш мақсадида акцияларни муомалага чиқариш ва уларнинг асосий қисmini фонд бозорлари орқали жойлаштириш, инвестиция жараёнларидаги банк иштирокини янада кучайтириш ҳамда мижозларнинг нақд пул маблағларига бўлган эҳтиёжини вақтида қондириш сингари масалалар ўз аксини тоған.

Ўтган йилда мамлакатимизнинг йирик молия институтларидан бири ҳисобланган "Галлабанк" Республика Акциядорлик тижорат банки фаолиятида бир қатор муҳим ўзгаришлар кўзга ташланди. Банкнинг умумий капиталини кўпайтириш, активларини самара-

лиқни йўлга қўйди. Мижозларнинг кўпайиши ва банк фаолият доирасининг кен-

Банк фаолиятининг айрим кўрсаткичлари


- Банкнинг умумий капитали ҳажми 21,7 млрд. сўмга тенг бўлди. Банкнинг Устав капитали эса 8 млрд. сўмга, акциядорлари сони қарийб 6000 тага етди.
- Банк акциялари "Тошкент" республика Фонд биржасида жорий этилган листинг бўйича "А" гуруҳга киритилган.
- Банк активлари 140,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, йил давомида 32,2 млрд. сўмга ёки 29 фоизга ўсиши таъминланди.
- Жами кредит қўйилмалари 64,4 млрд. сўмни ташкил этди.
- Банкнинг умумий мижозлари

сони 63 000 тадан ортди.

- Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантириш мақсадида банк томонидан 2006 йил давомида жами 8474,9 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.
- Аҳолининг жалб этилган бўш пул маблағлари қолдиги - 8507,7 млн. сўмни ташкил этиб, йил давомида қўшимча 17 тадан ортиқ янги омонат турлари жорий қилинди.
- Банкнинг филиаллари сони 32 тани, минибанклар сони 78 тани, жамғарма шохобчалари сони эса

156 тани, валюта айирбошлаш шохобчалари сони 69 тани, халқаро пул ўтказмалари шохобчалари сони 14 тани ташкил этди.

- 7389 та пластик карточкалар муомалага чиқарилган бўлиб, уларнинг умумий миқдори 68907 тани ташкил этиб, пластик карточка ҳисобварақлари орқали 5,8 млрд. сўмдан зиёд банк операциялари амалга оширилди.
- Йил давомида 5,5 млрд. сўмлик лизинг хизматлари кўрсатилди.
- Халқаро тўлов тизими — "СВИФТ" ишга туширилди.



ли жойлаштириш, кредит портфели сифатини яхшилаш, инвестиция жараёнларида фаол иштирок этиш, хорижий кредит линиялари маблағларидан унумли фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш, мулкчиликнинг турли йўналишларида фаолият юритувчи корхона ва ташкилотлар, банкнинг корпоратив мижозлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ҳамда аҳоли учун қулай ва зарур банк хизматлари турларини амалиётга татбиқ этиш, банк ахборотлари тизимини шакллантириш ва уни бошқаришнинг замонавий усулларини қўллаш, мижозлар ишончини янада мустаҳкамлаш борасида йил давомида амалга оширилган ишлар ўз натижаларини берди.

Таъкидлаш жоизки, банкнинг бугунги кун талабларига мос равишда фаолият юритаётгани мижозлари сонининг барқарор ўсишига олиб келмоқда. Зеро, банк тизимидаги рақобат ҳам, асосан, мижозларни кўпроқ жалб этишга қаратилган.

2006 йил якунлари бўйича банкнинг жойлардаги тузилмалари томонидан жами 63 мингдан ортиқ мижозга хизмат кўрсатилди. Жорий йилда янгидан-янги мижозлар банк билан ҳамкор-

факторинг ва лизинг амаллари воситасида жойлаштиришга ҳам катта эътибор берилди.

Хисобот йили давомида банк ўз мижозларига 3,6 млрд. сўмликдан зиёд факторинг хизматлари кўрсатди. Бу эса мижозларга вақтинчалик молиявий қийинчиликларни енгиллаш ҳамда мазкур банк муносиб ҳисса қўшаётди. Ушбу йўналишда йил давомида банкнинг 1440 млн. сўмлик кредитлари ҳисобидан 56 та турли йўналишдаги лойиҳалар молиялаштирилди.

Жумладан, Андижон вилоятидаги "Барчиной" хусусий корхонасига тикувчиликни ривожлантириш учун 200 млн. сўм миқдорида узоқ муддатли кредит ажратилиб, 200 га яқин иш ўринлари, Фаргона вилоятидаги "Ферпластмаркер" МЧЖ га макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 50 млн. сўм миқдорида узоқ муддатли кредит ажратилиб, 20 та иш ўринлари ва Наманган вилоятидаги "Шамс-ЛТД" кўп тармоқли хусусий фирмасига гўгурт маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 20 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, 18 та иш ўринлари яратилди.


Бундан ташқари, банк Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча

шароитини яхшилаш, иқтисодий ривожлантириш бўйича 2006 йилга мўлжалланган чора-тадбирлари Дастури доирасида мазкур минтақадаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги иш жойларини ташкил этиш бўйича белгиланган лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда мазкур банк муносиб ҳисса қўшаётди. Ушбу йўналишда йил давомида банкнинг 1440 млн. сўмлик кредитлари ҳисобидан 56 та турли йўналишдаги лойиҳалар молиялаштирилди.

Жумладан, Андижон вилоятидаги "Барчиной" хусусий корхонасига тикувчиликни ривожлантириш учун 200 млн. сўм миқдорида узоқ муддатли кредит ажратилиб, 200 га яқин иш ўринлари, Фаргона вилоятидаги "Ферпластмаркер" МЧЖ га макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 50 млн. сўм миқдорида узоқ муддатли кредит ажратилиб, 20 та иш ўринлари ва Наманган вилоятидаги "Шамс-ЛТД" кўп тармоқли хусусий фирмасига гўгурт маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 20 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, 18 та иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, банк Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча

1500 млн. сўмдан зиёд қўшимча



молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш масалаларига алоҳида аҳамият берилди.

Банк томонидан аҳолининг вақтинча бўш турган пул маблағларини омонатга жалб қилиш, ўзаро манфаатли омонат турларини тақдир этиш ҳамда омонатлар бўйича келишилган шартларни бажариш йўли билан уларнинг банкка нисбатан ишончини мустаҳкамлаш асосида доимий ҳамкорларга эга бўлиб бормоқда.

Мазкур йўналишда олиб борилган ишлар самараси ўлароқ, аҳолининг банкдаги омонатлари қолдиги 2006 йил якунига келиб 8,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Жисмоний шахслар билан ишлашни такомиллаштириш, уларга хизмат кўрсатишда турли қулайликлар яратиш мақсадида банк ўтган хисобот йилида ўз жамғарма шохобчалари тармоғини янада кенгайтириш тадбирларини изчил давом эттирди. Жорий йил бошида банкнинг жамғарма шохобчалари сони 156 тага етди, амалдаги омонат турлари эса 21 тадан ошди.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш борасида нақд пулсиз хисоб-китоб тизимини ривожлантириш банк фаолиятининг ўтган йилдаги муҳим йўналишларидан бири бўлди. Жумладан, банк томонидан йил давомида 7389 та қўшимча пластик карточка муомалага чиқарилиши билан уларнинг умумий

йўналтирилди. Натижада, галла ва пахта етиштирувчи қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига, хусусан, фермерларга ажратилган банк кредитлари миқдори 2005 йилдагига нисбатан 51,2 фоиз

кўпайди.

Мазкур йўналишда олиб борилган ишлар самараси ўлароқ, аҳолининг банкдаги омонатлари қолдиги 2006 йил якунига келиб 8,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Жисмоний шахслар билан ишлашни такомиллаштириш, уларга хизмат кўрсатишда турли қулайликлар яратиш мақсадида банк ўтган хисобот йилида ўз жамғарма шохобчалари тармоғини янада кенгайтириш тадбирларини изчил давом эттирди. Жорий йил бошида банкнинг жамғарма шохобчалари сони 156 тага етди, амалдаги омонат турлари эса 21 тадан ошди.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш борасида нақд пулсиз хисоб-китоб тизимини ривожлантириш банк фаолиятининг ўтган йилдаги муҳим йўналишларидан бири бўлди. Жумладан, банк томонидан йил давомида 7389 та қўшимча пластик карточка муомалага чиқарилиши билан уларнинг умумий

Шунингдек, хисобот йилида банкнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги мижозлари сони 1850 нафарга ёки 25,6 фоизга ортди, ўз навбатида, улар томонидан етиштирилган маҳсулотлар ҳажми 51,2 фоиз ўсди.

Қишлоқ ҳўжалиги раванки, энг аввало, ушбу йўналишга янги техника ва технологияларни жалб қилиш, уларнинг моддий-техник базаларини шакллантириш иш ҳамда ҳосил унумдорлигини оширишга боғлиқ. Банк томонидан қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари ва унга хизмат кўрсатувчи корхоналар, хусусан, фермер ҳўжаликлари

Тақдирот

"Ирмоқ"

Мамлакатимизда янги нашр - илмий, маърифий, ижтимоий журнал - "Ирмоқ"нинг ilk сони босмадан чиқди.

Унинг ижодий жамоаси мураккаб технологик жараёнлардан тортиб, энг содда тизимларга, ижтимоий ҳамда аниқ фанлардаги инсонни мулоҳазага қаровчи мавзуларни ёритиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, ушбу нашр фан тараққиоти ва илмий тадқиқотлар натижаларидан ўз мушаррийларини бохабар этиш билан биргаликда, тафаккурни бойитиш, дунёқарашини кенгайтирувчи мақолалар бериб боришни режалаштирган.

Агар илм-фан чексиз уммон бўлса, журнал бир ирмоқ сифатида ана шу уммон сирларини, гаройиботларни муъжизаларидан ўқувчиларини баҳраманд этиб боришни кўзлаган ҳолда "Ирмоқ" деб номланган. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган журналнинг тақдирот маросимиди шу ҳафта сўз борди.

Анвар Қўлмуродов

"Севаман дедимми?"

Яқинда Миллий академик драма театри жамоаси томошабинларга янги спектаклни тақдим этди. Драмматург Санжарали Имомов қаламига мансуб "Севаман дедимми?" пьесаси асосида саҳналаштирилган мазкур спектакль томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Актерлар ҳаётдан ҳикоя қилувчи ушбу комедияда уларнинг саҳна ортдаги ҳаёти, кечинмалари ва ўй-хаёллари режиссёр Полина Шумилова томонидан маҳорат билан очиб берилган. Спектаклдаги бош ролларни таниқли артистлар Жамшид Зокоров ва Гаҳвар Зокорова иккиро этишган.

"Дискотека"

Республика Ёш томошабинлар театрида ҳам шу кунларда кизгин ижодий жараён кечмоқда.

Кўни кеча Ўзбекистон санъат арбоби, режиссёр Олимжон Салимов саҳналаштирган "Дискотека" спектакли томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Мазкур спектакль Шухрат Ризаевнинг "Дискотека" ("Бахс") пьесаси асосида тайёрланди. Хозирги ёшлар ҳаёти ҳақидаги ушбу спектаклда дўстлик, севги ва ҳиёнат мавзулари кизикarli ёритилган.

Спектаклдаги ролларни Тошкент Давлат Санъат институти талабалари ҳамда театрнинг кўзга қўйилган актёрларидан Ҳасима Отахонова, Фарид Умарова ва бошқалар иккиро этишган.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Шундай инсонлар борки, уларнинг эзгу ният билан қўл урган ишлари доимо хайрли бўлади. Бундай кишилар ҳақида гап кетганда, "Ризқи улуг", "худо ёрлақан", деган халқона иборалар тилга олинади. Жиззахлик Мўмин Қажҳор ҳам шундай кишилардан эди.

Машҳур ижодкорларнинг исми-шарифини шоирона бир тарзда айтишга одатланганмиз. Абдулла Қажҳор, Ҳамид Олимжон, Шавкат Раҳмон, Мухаммад Юсуф... Уларнинг фидойилиги билан

Неки топан бўлса, ер билан тиллашиб топан бахтиёр дехқон эди. Фидокорона меҳнатлари учун Президентимиз Фармонида кўра 1996 йили "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган

Эзгуликнинг умри боқий



эл орасида шухрат топанлар ҳам шундай эъзозда тилга олинади. Бор куч-ғайратини, билим-иқтидорини қишлоқ хўжалигига бахшида этганлардан бири Мўмин Қажҳор эди. Замин фарзанди пахтачилик, қорвачилик, богдорчилик ва ғаллачиликда ўзига хос мактаб яратган. Уруғчилик илмининг устаси эди.

қишлоқ хўжалиги ходими" унвонига сазовор бўлган. Умрининг салкам ярим асрини қишлоқ хўжалигига, дехқонлик қилиб айтганда, даласига бағишлади.

Мўмин ака камтарин, маънавияти бой инсон эди. Мол-дунё ортдан қувмади, инсоф-диёнати унутмади. Узок йиллар турли вазифаларда ишлади. Ҳаёти ва фаолиятининг энг мазмунли йиллари ҳамюрти Ҳамид Олимжон номи билан аталувчи хўжаликда ишлаган давлари бўлди. Бу гўшага машҳур олимлар, таниқли адиблар тез-тез келиб туришарди. Нозик дид ва ўткир эҳсон соҳиб Мўмин Қажҳорга кўпчилик ҳавас қилиб, эҳтиром билан муносабатда бўларди. 2001 йили ташкил топан "Синдор М.К" фермер хўжалигига умрининг охиригача раҳбарлик қилди. Бу-нун жуда кўп шогирдлари устози изидан бориб, қишлоқ хўжалиги равақига муносиб хисса қўйишмоқда.

Шундай шогирдлардан бири - Жиззах туманидаги "Мамаршидбоб" фер-

мер хўжалиги бошлиғи Орзикул Рашидов шундай эслайди:

Мўмин акадан қишлоқ хўжалиги илми сирларини ўргандик. У нафақат дехқончиликда, балки, ҳаётда ҳам бизга устоз эди. Мадааният, тўғрисуз, тартиб-интизомни маҳкам ушлайдиган, қатъиятли инсон билан бирга ишлаган йилларни ҳеч қачон унутмайман.

Ижодкорлар, зиёлилар билан дил-

дан суҳбатлашишни ёқтирадиган Мўмин Қажҳор хонадонидан доимо меҳмон аримасди. Хушхуллик фарзандлар - ота-она бахти. Ота-онага эҳтиром билан муносабатда бўлишлик борасида Мўмин Қажҳор оиласидан кўп ҳикоятларни ўрганса арзийди. Айтишларича, Мўмин ака ҳам ота-онани эъзозлаш бобида кўпчиликка ибрат экан. Зеро, хар ким эканини ўради, деб бежиз айтилмаган.

Унинг тўсатдан вафот этганлигини эшитиб, жуда қайғурди. Тақдир азал шундай экан. Биринчи баҳорини Мўмин акаси қаршилаган хонадонга қўламадана қалдирғочлар келди, ўзлари ўрганган айвондаги инга жойлашди. Улар нималардир деб чўғурашди. Демак, ҳаёт давом этаётди. Хонадон соҳибининг ворислари - фарзандлари, шогирдлари хар бир жабҳада ибрат бўлиб, эл-юрт хурматини қозонишмоқда.

Муродхон УРИНБОВ

Кулупнай

Кулупнай шифобахшлиги туфайли халқ табobati амалиётида азал-азалдан қўлланиб келинади. Чунончи, кулупнайнинг сархил шарабидан ярим пилла миқдоридида наҳорда ичиб турилса, буйрак, қовуқ, ўтдаги тош ва кумларнинг азиятларидан халос этади.

БАҲОР НЕЪМАТЛАРИ

теъмол қилиш йўли билан бутунлай шифо топан экан. А.Поповнинг ёзишича, кулупнай сархил касали, мичал, бавосил касалигидида фойда беради. Кулупнайдан сўнг селёдка балғи ҳамда пиёз ейиладиган бўлса, солитер номили тўнғиз гўжалардан холи қилади. Кулупнай барглари асосида тайёрланадиган дамлама билан оғиз гар-гара этилса, муртақ безларининг яллиғланиши даф бўлади,



юзлар артилиб ёки ювилиб турса, хуснбузарлардан холи қилиши мумкин.

Кулупнай мевасида 11 фоиз атрофида қанд, 1,7 фоиз олма, лимон, фолат қислоталари, В, В₂, РР, С белғили дармондорилар, марганец, калий, кальций, фосфорлар жо бўлган.

Доно ХУЖАЕВА, олий тоифадаги дорихунос

ТАШКИЛОТ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

"ЛУЧАФЭРУЛ", "ЮГОСЛАВСКИЙ" "КУНГАБОҚАР ОТАСИ ОНАСИ" сортли КУНГАБОҚАР ПИСТА УРУҒИНИ СОТАДИ.

Тел.: 133-44-57, 132-26-76.

АВТОТРАНСПОРТ - КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

Россия Федерацияси "ГАЗ" ОАЖнинг Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютери - AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зид автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк қўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

"ГАЗ-31105" русумли 6 ўринли, 1,5 тонна юк қўтарувчи, "ГАЗ-33023" "Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-3202" русумли тентли юк машинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк қўтарувчи машина

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр ситимли сут ташини машинаси

"ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

700015, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Саид АҲМАД, Ўткир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Ўқтам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Гафур ШЕРМУХАММАД.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Аграрно-агрокомплекс тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

Соғинч

мер хўжалиги бошлиғи Орзикул Рашидов шундай эслайди:

Ижодкорлар, зиёлилар билан дил-



"Пахтакор" ишончини оқламади

Жорий мавсум бошида "Пахтакор" клуби МДХ мамлакатлари кубогидида бош мукофотни қўлга киритиб, юртимиз футбол мухлисларини анча хушнуд этганди.

Шу боис, футболсеварлар "Пахтакор"дан Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида ҳам ижобий натижа кутишганди. Аммо майдон текис, тўп юмалоқ, деганларидек, спортда хар доим ҳам биз кутган натижа қайд этилмаган экан. Бундан ташқари, омад ҳам қўчларига қўлиб боқиси айна ҳақиқат эканлигига яна бир бор ғувоҳ бўлдик.

Бу мавсум ҳам Осиё чемпионлар лигасида мамлакатимизнинг икки етакчи жамоаси юртимиз футбол шарафини ҳимоя қилаётганидан хабарингиз бор. Бу борада Фарғонанинг "Нефтичи" клуби хозирча олдинга интилоқда. Фарғоналик футболчилар бўлиб ўтган тўрт ўйиннинг учта-сида рақибларидан устун келди.

Кўни кеча Юрий Саркисян шогирдлари ўз майдонидида Катарнинг "Ал-Садд" клубини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди ва тўққиз очко билан "С" гуруҳи етакчилигини сақлаб қолди. "Нефтичи"нинг гуруҳдошлари "Ал-Нажаф" ва "Ал-Каррама" ўртасидаги учрашувда суриялик футболчиларнинг қўли баланд келди - 2:4.

"Пахтакор"нинг ўйинига келсак, "Ал-Хилал" (Саудия Арабистони) жамоаси ғала-

басини биргина бразилиялик легионер Родригонинг ўзи хал қилди. У икки бор Игнатий Нестеровни доғда қолдирди. Родриго бу жамоаларнинг Тошкентда бўлиб ўтган ўйинида ҳам "Пахтакор" дарвозасига бир тўп киритганди. Қисқаси, жорий мавсумдаги Осиё чемпионлар лигаси "Пахтакор" учун ниҳоясига етди. Энди бу жамоа мухлислари унинг миллий чемпионатимиздаги иштирокини кузатишдан ўзга чоралари йўқ.

Ёшлар олимпиадасига хозирлик

Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОК) 14-18 ёшлар ўртасида олимпиада ўйинлари ўтказишга келишиб олди.

ХОК президенти Жак Роггеннинг маълум қилишича, мазкур олимпиаданинг дастлабки 2010 йилда бўлиб ўтади. Ёшлар олимпиадаси икки йилда бир бор ташкиллаштирилади. Шунингдек, ёш олимпиадада уч мингга яқин спортчи, кишиқисдида эса мингга яқин иштирокчи қатнашади. Мусобақанинг биринчи мезбон давлати хозирча маълум қилинмади.

"Мутлақ чемпион бўлмоқчиман"

18 апрел кўни профессионал боксининг супергирг вазнида собиқ жаҳон чемпиони АҚШлик чарм қўлқот устаси Крис Бёрд бир йиллик танаффусдан сўнг ўзининг навбатдаги жангини ўтказди. Ўз ҳамюрти Пол Мариначчогга қарши рингга қўтарилган Бёрд еттинчи раундда рақибини нокаутга учратди.

Ушбу ғалабадан сўнг ОАВ ходимлари билан мулоқотда бўлган спортчи ўз режалари ҳақида айтиб ўтди.

Мен фаолиятимда бир неча бор қапакчи боксини билан рингда дуч келдим. WBАнинг янги чемпиони ўзбекистонлик Руслан Чагаев ҳам худди жанг тоифадагилардан экан. Хозир у билан жанг ўтказишга кизиқиб қолдим. Бундан ташқари, шунчаки "мутлақ"ларнинг ҳам фойдаси йўқ. Энди фақат чемпионлик камари ағдари билан куч синашишга ҳаракат қилган.

Ўйлайманки, Руслан билан рингда баҳс олиб бурсак, жуда кизикarli беллашув бўлади, - дея айтиб ўтган собиқ IBF йўналиши чемпиони.

Бу фикрлардан кўриниб турибдики, Крис Бёрд Руслан Чагаевга қарши жанг ўтказишни ўйлаётди. Бу амалга ошиши ёки ошмаслиги ҳаётимизнинг промоутерлик компаниясига боғлиқ.

Руслан Чагаев ҳам айна дамда мутлақ чемпионлик ҳақида ўйлаётган экан.

Хар қандай бокснинг чемпионлиги камарини қўлга киритиш ораси бўлади. Хозир менда камар бор. Энди эса кучимни мутлақ чемпионлик учун синаб кўрмоқчиман. Фаолиятимдаги хар бир ғалабам мен учун қадри. Валув устидан қозонган муваффақиятим эса профессионал боксдаги энг қадри ва аҳамиятлисидир, - дея таъкидлаб ўтган ҳамюртимиз.

"Челси" майдонида ғалаба қозонди

"Челси" клуби ҳимоячиси Жо Коулинг "Ливерпуль" дарвозасига 29-дақиқада киритган ягона голи "аристократлар"нинг чемпионлар лигаси ярим финалининг ўз майдонидида бўлиб ўтган ўйинидаги ғалабасини таъминлади. Гарчи учрашув тенгма-тенг курашлар остида ўтган бўлса-да, ғалаба "Челси"га насиб этди. Ўтказиб юборилган голдан сўнг "Ливерпуль" футболчилари бутун жамоа бўлиб ҳужум уюштиришди. Айнисча, Стивен Жерардининг қучи зарбаларини Петр Чех маҳорат билан қайтариб, жамоаси ғалабасига ўз улушини қўшди.

Яна бир ярим финалда "Манчестер Юнайтед" "Милан"ни "Олд Траффорд"да 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Биринчи май кўни "Ливерпуль" "Челси"ни қабул қилди. Иккинчи май санасида эса "Милан" "Манчестер Юнайтед" билан "Сан-Сиро"да куч синашди. Ана шундан сўнг чемпионлар лигаси финали бўлиб ўтадиган кўна Афина шаҳрига йўл оладиган икки жамоа номи маълум бўлади.

Ф.АБИЛОВ тайёрлади.

Икки юришда мот А.ИНОКОВ тайёрлади. Тўрт юришда мот

Тегишли давлат "AVTOTRAK" патентларига эга

ЗИЛ-130.555., ГАЗ-52.53., САЗ. автомобилларига дизеллар ўрнатади ва назорат (ГАИ) идораларига керакли ҳужжатлар тақдим этади.

1 автомобилларга дизеллар урнатишни уз жойларида ташкил этишга қумаклашади.

2 Д-243 (МТЗ), Д-144 (Т-28), А-01 ("Алтай"), "Камминз", "Авиа" дизелларини капитал ремонт қилади, эхтиёт қисмлар сотади.

Манзиллимиз: Тошкент ш., Корасув-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мулк: ТЭА, "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21.49, "Обл. ГАИ" бекати. Телефонлар: 159-48-00. Кечқурун 112-90-43

илмий-ишлаб чиқариш маркази куйдаги хизматларни тақдим этади:

Надежда Фёдоровна КИРЕВАННИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси "Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги қорхоналари ва уларни бошқариш" кафедраси доценти

Жамолддин ЁДГОРОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Манзиллимиз: Тошкент ш., Корасув-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мулк: ТЭА, "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21.49, "Обл. ГАИ" бекати. Телефонлар: 159-48-00. Кечқурун 112-90-43

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

матни учун бююртмачи жавобгар

1-тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи:

Ф.АБИЛОВ Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ Бош мусоҳиби: Х. ТОШХУЖАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Хай" - илова), жума кунлари чиқади.

Бюртма Г-317, ҳажми 2 босма табак.

Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2.

Босишга топириш вақти: 20.50. Босишга топириш вақти: 21.20. Адади - 17910

Газета тахририятнинг ўзидида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.